

Narsalarning asl mohiyatini bilishga olib boradigan  
yo'llar – hissiy anglash, rost xabar va aqldir.

Imom Moturidiy

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм



4/2022

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм



## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

**Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

**Уйғун ҒАФУРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Шоазим МИНОВАРОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

**Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор

**Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент

**Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

**Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCISA Бош директори

**Назир Муҳаммад АЙЁД** (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби

**Режеп ТУЗЖУ** (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори

**Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCISA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

**Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ** (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

**Дониёр МУРАТОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Одил ЭРНАЗАРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

*Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2023 йил 23 ноябрдаги 04-07/8931-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*



**Муассис:**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

**Бош муҳаррир:**

**Жамолиддин Каримов,**  
*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

**Муҳаррир ўринбосари:**

**Зафар Фаҳриддинов,**  
*Исломишунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори*

**Саҳифаловчи:**

**Зарифжон Арслонов**

**Дизайнер:**

**Зарифжон Ғуломов**

«Мотуридийлик» журнали  
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация  
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги  
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий  
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатида киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон  
Республикаси Президенти Администрацияси  
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги томонидан  
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

**Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани,  
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

**E-mail:** maturidijournal.uz

**Web-sahifa:** info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,  
(+99871) 244-35-47

## МУНДАРИЖА

### ИСЛОМШУНОСЛИК

<b>Zohidjon Islamov.</b> «Муқаддамату-л-адаб» арабча сўзлигининг матний таҳлили.....	5
<b>Ramil Adygamov.</b> Междисциплинарные подходы в исследованиях истории богословия.....	13
<b>Zafar Fakhriddinov.</b> «Вужух ва назоир» илмида ижод қилган олимлар ва унга оид асарлар таҳлили .....	23
<b>Jurabek Chutmatov.</b> Ҳаким Термизий тафсирининг илк наشري .....	31
<b>Ahmadkhan Alimov.</b> Абул Лайс тафсири манбалари ва муфассирнинг услублари.....	42

### ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

<b>Azat Sarsenbaev, Nurulloh Turambetov.</b> Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида Куръондан ҳуқуқий манба сифатида фойдаланиш услуби .....	51
<b>Muhammadnur Murodkhanov, Khaydarali Yunusov.</b> Imom Saraxsiy – xalqaro huquqshunos olim.....	59

### ДИНШУНОСЛИК

<b>Nigora Yusupova.</b> Ўзбекистонда давлат қурилиши дунёвийлик принципларига асосланишининг ҳуқуқий асослари .....	65
<b>Odiljon Ernazarov.</b> Shamsuddin Samarqandiyning xristianlik haqidagi qarashlari .....	74
<b>Jurabek Sodikov.</b> «Ta'vilot ahl as-sunna»da keltirilgan noislomiy din va e'tiqodlarga oid ma'lumotlar tahlili .....	80
<b>Shahzoda Abduraimova.</b> Distribution of religious media contents on websites in Germany .....	90
<b>Behzodbek Soipov.</b> Жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда бағрикенглик тамойилининг аҳамияти.....	96

### ИСЛОМ ТАРИХИ

<b>Sanabar Djurayeva.</b> Toshkent viloyati ziyoratgohlarining tasnifi .....	103
<b>Muhabbatkhan Agzamova.</b> «Тарих ар-русул ва-л-мулук» асарининг тарихий жараёнларни тадрижий ёритишдаги аҳамияти .....	108

**Lola Azimova.**

Марказий Осиё цивилизацияси ривожда илмий масканларнинг ўрни..... 115

**Oybek Sotvoldiyev.**

«Ат-Табакот ал-кубро» асари – сийрат ва тарожимга оид манба сифатида ..... 122

**Zarifjon Arslonov.**

Alixonto‘ra Sog‘uniy asarlarining ilmiy tasnifi va ularda ko‘tarilgan mavzular tahlili ..... 130

**ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ**

**Doniyor Muratov.**

Арбаин жанри хусусида ..... 139

**Akmalkhan Akmalkhanov.**

«Miftoh al-ulum» asarida bir harfdan iborat yordamchi so‘zlar talqini ..... 148

**Dilfuza Sagdullaeva.**

Рабғузий ижодида оятларни қўллашнинг услубий хусусиятлари ..... 156

**Feruza Nizamova.**

Dehlaviy ijodida badiiyat an‘analari ..... 163

**Bahodirjon Azamov.**

Ҳақим Термизий «ал-Амсол мин ал-Китоб вас-сунна» асарининг манбашунослик таҳлили ..... 171

**Doniyor M. MURATOV**,  
*Associate Professor of the International  
Islamic Academy of Uzbekistan.*  
*A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.*  
*E-mail: doniyorhoji@mail.ru*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023/4/18

## АРБАИН ЖАНРИ ХУСУСИДА

## ABOUT THE GENRE OF ARBA'IN

### О ЖАНРЕ АРБАИН

#### КИРИШ

Ҳадислар исломнинг иккинчи асосий манбаси ҳисобланади. Ҳадисларни жамлаш, ёзиш, шарҳлаш ишлари билан муҳаддислар шуғулланиб келганлар. Ҳадисга оид китобларнинг тури қиркдан ортиқ бўлиб, уларнинг баъзиларидан фақат олимларгина фойдаланса, оддий кишилар ҳам ўқиб тушунадиганлари ҳам бор.

Ҳадис китоблари орасида энг кўп тарқалган тўпламлардан бири Арбаин жанрида ёзилган асарлар ҳисобланади. Арбаинлар энг қадимги ҳадис тўплами турларидан бири ҳисоблангани учун бу бўйича жуда кўп асарлар ёзилгани билан бошқа тўпламлардан фарқли ҳисобланади. Арбаин тўпламларининг муаллифлари орасида фақат муҳаддислар бўлмай, бошқа соҳа вакилларининг учраши ҳам, бу йўналишда ёзилган адабиётларнинг ошиб кетишига олиб келган. Жумладан, фақиҳлар, тарихчилар ва ҳатто адиблар ҳам арбаин асарини ёзганлар.

#### АСОСИЙ ҚИСМ

Оддий халқ оммасига ҳам мўлжалланган ҳадис тўпламларидан бири «Арбаин» туридир. Арбаин ҳадис китоби тури «Жуз» (парча, бўлак, қисм) туридаги китоблар туркумига кириб, ҳадис илми истилоҳида, маълум бир кишидан келтирилган ҳадисларни тўплаш мақсадида тартибланган кичик кўламдаги ё бир мавзудаги ёки муайян тартибдаги ҳадисларни ёки бир ҳадиснинг барча ривоят йўллари билан бир ерга тўплаган бир неча саҳифалик китобчаларга жуз дейилади. Баъзан «ҳадис жузи» ибораси ҳам ишлатилади.

Айнан жуз бўйича ёзилган асарларга имом Бухорийнинг (ваф. 870 й.) «Жуз ал-қироат халф

ал-имом», Хатиб Бағдодийнинг (ваф. 1071 й.) «ар-Рихла фи талаб ал-ҳадис», Марвазийнинг (ваф. 798 й.) «Жуз қиём ал-лайла» каби ва бошқа асарларини мисол келтириш мумкин. Шунингдек, муайян бир ровийдан ривоят қилинган ҳадисларни жамлаган жузга Сухайл ибн Абу Солихнинг Абу Ҳурайрадан ривоят қилган 49 ҳадисни ўз ичига олган жузни ҳамда маълум мавзудаги, масалан, «Рутьятуллоҳ» каби ҳадисларни бир жойга тўпланган асарларни намуна сифатида кўрсатиш мумкин. Жуз бўйича ёзилган асарлар орасида бирор нисбага эга бўлганлардан жамланган тўпламларни ҳам келтириш ўринли. Масалан, «Силафиёт», бунда Силафий нисбаси билан танилганлар, «Жаъдиёт», бунда Жаъд номи билан танилганлар, «Сақафиёт», бунда Сақафий номи билан танилган кишиларнинг ривоятлари жамланган. Шунингдек, бу бўйича бошқа асарлар ҳам жамланган.

Фавоид тўпламлари ҳам шу турга киради. Бунда қисқа фойдали масалалар жамланади. Бу бўйича Абу Бишр Исмоил Исфаҳоний (ваф. 881 й.), Абу Амр Исфаҳоний (ваф. 1079 й.), Абу Бақр Муҳаммад Исфаҳоний (ваф. 992 й.) ва бошқа олимлар қалам тебратганлар.

Муайян тартибдаги ҳадисларни ўз ичига олган жузлар ичида энг кенг тарқалган тури «арбаин» (қирқ) деб аталиб, у ўзида 40 та ҳадисни жамлайди. Истилоҳий маънода бу турдаги ҳадис китобларда бир боб ёки турли хил бобларда бир иснод ёки бир неча иснод билан 40 та ҳадис келтирилади. Абу Тоҳир Силафий (ваф. 1180 й.) ўзининг «ал-Арбаин ал-булдония» асарида шундай деган: «Ҳадисларни ёзишда, жамлашда ва тартибдашда муҳаддисларнинг мақсадлари турлича бўлган: кимдир тавҳидга ва Аллоҳнинг сифатларига ва уни улуғлашга оид, кимдир ҳукмга – ҳалол ва ҳаром ва бошқ., кимдир ибодатга – намоз, рўза закот, ҳажга, кимдир ваъз ва хушмуомалалик, кимдир айблардан ҳоли санади саҳиҳ бўлган, кимдир ровийнинг жарҳ ва таъдилига қарамай олдига қўйган мақсади бўйича, кимдир олий иснодли, кимдир 40 шайхдан ривоят қилинган ҳадисларни жамлаган... уларнинг ҳаммаси яхшилик, ажрни ният қилганлар» (Али Қорий, йили кўрсатилмаган:29), деган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, китобда 40 та ҳадис бўлиши шарт эмас, балки камида 40 та бўлса етарли деб ҳисобланган. Шунинг учун баъзи китобларда ҳадислар адади 40 тадан ортади.

Ҳижрий II асрнинг охирида (милодий IX) вужудга келган «Арбаин ҳадис» тури, ислом умматининг ҳаётида ўзига хос ўринга эга бўлиб диний, ахлоқий, ижтимоий ва адабий жиҳатдан

**Аннотация.** Ҳадис тўпламлари орасида арбаин асарлар энг кўп тарқалган китоб тури ҳисобланади. Арбаин китоб муаллифга катта талаблар қўймайди. Зеро, унда 40 та ҳадис бўлиши унинг ягона шарти ҳисобланади.

Арбаин ёзишга туртки бўлган «Умматимдан ким 40 ҳадис ёдласа...» мазмундаги ҳадислар заиф ҳисобланса-да, иснод йўллари кўп бўлгани ҳамда фазилатли амаллардан ҳисоблангани учун олимларга бу соҳада китоб ёзишларига туртки бўлган. Шу билан бирга олимлар арбаин асарларида қисқа, ёдлашга осон бўлган ҳадисларни жамлашга эътибор берганлар.

40 ҳадисни жамлашга муҳаддислардан Абдуллоҳ ибн Муборак асос солган бўлсада, бу ишни бошқа соҳа эгалари ҳам давом эттирганлар. Жуда кўп муҳаддислар 40 ҳадис ёзиб, ўз меросларини қолдирганлар. Бу ҳозирги кунда ҳам давом этиб келмоқда.

Арбаин тўпламларнинг мавзуси чекланмагани учун ҳадис китоблари орасида энг кўп тарқалган асарлардан ҳисобланади. Арбаинлар илмга, одоб, тақвога, никоҳ, талоқ, ақида, намоз, рўза, охираат, аёллар, бирор кишига, бирор хислатга ва бошқа мавзуларда ёзилган. Шунингдек, 40 шайхдан, 40 шаҳардан, 40 китобдан бўлган асарлар ҳам бор.

Арбаин борасида Жомий, Фузулий ва Навоий каби алломалар ҳам қалам тебратган. Туркийда биринчи бўлиб Алишер Навоий арбаин ёзгани ҳам диққатга сазовор.

Мақолада айнан, арбаинлар ва уларнинг ислом динидаги ўрни ҳамда манбаларни тадқиқ этишидаги аҳамиятига доир муаммолар очиқ берилган.

**Калим сўзлар:** Ҳадис, суннат, арбаин, назм, наср, саҳиҳ, заиф, иснод, жуз.

**Abstract.** Arba'in works are the most common type of book among hadith collections. They do not impose great demands on the author. After all, having 40 hadiths is its only condition.

Although the hadiths of the content «Whoever memorizes 40 hadiths from my Ummah...», which motivated Arba'in to write, were considered weak, but because there were many ways of its isnad and it was considered a virtuous deed, it motivated scholars to write books in this field. At the same time, scholars paid attention to the compilation of short, easy-to-memorize hadiths in Arbain's works.

Compilation of 40 hadiths was started by Abdullah ibn Mubarak and later this work was continued by other experts. Many muhaddiths wrote 40 hadiths and left their legacy. This continues even today.

Arba'in is one of the most widely spread works among hadith books because the topic of the collections is not limited. Arba'ins are written on knowledge, manners, piety, marriage, divorce, creed, prayer, fasting, hereafter, women, a person, a character, and other topics. There are also works compiled from 40 sheikhs, 40 cities, and 40 books.

Scholars such as Jami, Fuzuli, and Navoi also wrote Arba'ins. It is also noteworthy that Alisher Navoi was the first to write Arba'in in Turkey.

In article, problems related to Arba'in and their role in Islamic religion and their significance in the research of sources are revealed.

**Keywords:** Hadith, sunnah, Arba'in, nazm, nasr, sahih, weak, isnad, juz'.

**Аннотация.** Произведения Арбаин являются наиболее распространенным типом книг среди сборников хадисов. Они не предъявляют к автору больших требований. Ведь наличие 40 хадисов – единственное его условие.

Хотя хадисы содержания «Тот, кто запомнит 40 хадисов из моей уммы...», которые побудили Арбаина написать, считались слабыми, но поскольку существовало много способов его иснада и это считалось добродетельным делом, это побудило ученых писать книги в этой области. В то же время ученые обратили внимание на составление в трудах Арбаина кратких, легких для запоминания хадисов. Составление 40 хадисов было начато Абдуллою ибн Мубарак, а позже эту работу продолжили другие специалисты. Многие мухаддисы написали 40 хадисов и оставили свое наследие. Это продолжается и сегодня.

«Арбаин» – одно из самых распространенных произведений среди сборников хадисов, поскольку тематика сборников не ограничена. Арбаины написаны на темы знаний, манер, благочестия, брака, развода, вероисповедания, молитвы, поста, будущей жизни, женщины, человека, характера и других тем. Есть также произведения, составленные на основе 40 шейхов, 40 городов и 40 книг.

Арбаины писали и такие учёные, как Джамии, Физули и Навои. Примечательно также, что Алишер Навои первым написал «Арбаин» в Турции.

В статье раскрываются проблемы, связанные с Арбаинами и их ролью в исламской религии, а также их значение в исследовании источников.

**Ключевые слова:** хадис, сунна, арбаин, назм, наср, саҳиҳ, слабый, иснад, джуз.

араб, турк ва форс адабиётларида катта микдордаги рисолалар пайдо бўлиши натижасида юқори мавқега эга диний соҳага айланди. Имом Абдуллох ибн Муборак Марвазий (ваф. 798 й.) биринчи бўлиб бу соҳадаги фаолиятни бошлаб берганини Абу Тохир Силафий (ваф. 1180 й.), Ибн Жавзий (Али Қорий, 2013:606) (ваф. 1200 й.), Муҳаммад Каттоний (Али Қорий, 2013:606) (ваф. 1926 й.) каби кўплаб олимлар таъкидлаб ўтганлар. Кейин Муҳаммад ибн Аслам Тусий (ваф. 856 й.), Ҳасан ибн Суфён Насавий (ваф. 915 й.), Муҳаммад ибн Ҳусайн Ожуррий Бағдодий (ваф. 971 й.), Муҳаммад ибн Иброҳим Исфохоний (ваф. 991 й.), Абу Нуайм Исфохоний (ваф. 1039 й.), Абу Абдурахмон Сулабий (ваф. 1021 й.), Абу Бакр Байҳакий (ваф. 1065 й.), Абу Ҳасан Дорақутний (ваф. 995 й.), Абул Қосим ибн Асокир (ваф. 1176 й.), Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ Бухорий Калобозий (ваф. 991 й.) ва бошқа олимлар бу ишни давом эттирдилар.

Арбаинлар аввал араб тилида ёзилган бўлсада, кейинчалик форс, туркий ва бошқа тилларда ҳам ёзилди. Шунинг учун арбаин китобларининг адади борасида аниқ маълумот йўқ. Буни олимлардан Имом Нававий ҳам таъкидлаб: «олдинги ўтган ва кейин келган олимлардан ҳисобсиз даражада кўпчилик» деган (Алишер Навоий, 2000:2). Зеро арбаин китоблари ҳадис тўпламлари орасида энг кўп ёзилган тур дейиш ҳам мумкин.

Ҳатто Ибн Асокир (ваф. 1176 й.), Ибн Муфаззал Мақдисий (ваф. 1214 й.), Муҳибб Табарий (ваф. 694-1295), Заҳабий (ваф. 1347 й.), Алоий (ваф. 1360 й.), Ибн Ҳажар (ваф. 1448 й.), Юсуф ибн Ҳасан ибн Абдулҳодий (ваф. 1503 й.) каби бир қанча олимлар «арбаин» китобларидан бир нечасини ёзганлари ҳам маълум (Аҳмад ибн Муҳаммад Сардор, 1995). Исмоил ибн Абдулғофир Форисий томонидан ёзилган арбаинлар сони 70 тага етади дейилган (Абдулваҳҳоб Зиёд. 2011). Ибн Асокир (ваф. 1175 й.) ўттиздан ортиқ, Бикрий (ваф. 1258 й.) олтимишдан ортиқ шу турдаги китобларни жамлагани зикр қилинган. Шунингдек, умумий ҳисобда ҳозирги кунда бу турдаги адабиёт адади беш юздан ортгани таъкидланади (Аҳмад ибн Муҳаммад Сардор, 1995).

## МУҲОКАМА

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бундай турдаги ҳадис тўпламларининг пайдо бўлишига қандай омиллар туртки бўлган, деган савол пайдо бўлади.

Биринчидан, Расулulloх (с.а.в.)нинг Али ибн Аби Толиб (ваф. 660), Муоз ибн Жабал (ваф. 639),

Абдуллох ибн Масъуд (ваф. 652), Абу Дардо (ваф. 652), Абу Ҳурайра (ваф. 676 ёки 678), Абдуллох ибн Аббос (ваф. 687), Абдуллох ибн Умар (ваф. 692), Абу Саъид Худрий (ваф. 693) ва Анас ибн Моликлардан (710-711) ривоят қилинган ҳадисларидан билиш мумкин. Бу ҳадисларнинг ровийлари, иснод йўллари, матнларининг турлича бўлса-да, мазмуни ягона. Унда «Умматимдан ким 40 ҳадис ёдласа...» мазмунидир.

Бир ривоятда «қиёматда фақиҳлар ва олимлар қаторида тирилади» дейилган бўлса, бошқа ривоятда «Аллох уни фақиҳ олим қилиб тирилтиради», бошқасида «қиёматда унга шафоатчи ва гувоҳи бўламан», «жаннатнинг хоҳлаган эшигидан кир, дейилади», «у олимлар гуруҳидан деб ёзилади ва шаҳидлар гуруҳида қайта тирилади» дейилган. Шунингдек, бу ҳадисни Али (р.а.), Ибн Масъуд (р.а.), Абу Дардо (р.а.), Муоз ибн Жабал (р.а.), Абу Саид Худрий (р.а.), Абу Ҳурайра (р.а.) каби 15 нафар саҳоба ривоят қилган. Бирок муҳаддислар бу ҳадисларнинг барчасини ўрганиб, иснод йўллари текшириб заифлигига ҳулоса берганлар.

Масалан, Ибн Асокир (ваф. 1176 й.), Ибн Адий (ваф. 976 й.), Заҳабий (ваф. 1348 й.), Ибн Жавзий (ваф. 1201 й.), Саховий (ваф. 1497 й.), Ибн Ҳиббон (ваф. 965 й.), Ибн Мулаққин (ваф. 1402 й.), Ибн Дақиқ Ийд (ваф. 1303 й.), Бусирий (ваф. 1437 й.), Байҳакий (ваф. 1066 й.) каби олимлар ҳам ўз асарларида бу матнлар билан ривоят қилинган ҳадисларни заиф эканини таъкидлаб ўтганлар. Жумладан, олимлар саҳобийдан кейинги ровийлар ҳақида «жуда заиф», «унинг кимлиги билинмайди», «ҳадис тўқийди», «матрук», «унинг ҳадиси ёзилмайди, эътибор қаратиб қўйилади», «жуда ғариб», «...мажҳул» каби истилоҳларни ишлатганлар (Абдулваҳҳоб Зиёд:462-468).

Шунингдек, Имом Нававий (ваф. 1278 й.) шундай деган: «Бу ҳадиснинг иснод йўллари кўп бўлсада, ҳофизлар уни заиф эканига иттифоқ қилганлар» (Алишер Навоий, 1991:4), Ибн Ҳажар (ваф. 1449 й.): «Ушбу ҳадиснинг барча иснод йўллари бир китобчага жамладим, унинг бирорта исноди иллатлардан ҳоли эмас» (Ҳасанхон Яҳё Абдумажид, Ҳусайнхон Яҳё Абдумажид, 2014:94) деган. Демак, «ким 40 ҳадис ёдласа...» мазмунидаги ҳадиснинг матнлари ҳамда иснод йўллари кўп бўлишига қарамай, заиф, деб ҳисобланади.

Шундай бўлса-да, заиф ҳадисга фазилатли амалларда амал қилиниши мумкин экани шу соҳага оид манбаларда айтиб ўтилганидан (Али Қорий, 2013:602), муҳаддислар мазкур 40 ҳадисга амал қилиб алоҳида китоблар ёзганлар. Ҳатто аҳли ҳадис

бўлган Марвазий, Ҳоким, Байҳақий, Нававий, Ибн Ҳажар ва бошқа олимлар шу ҳадислар билан ўз асарларини бошлаганлар (Абдулваҳҳоб Зиёд, 2011:477).

Бундан ташқари «Эшитганларингиз эшитмаганларингизга етказинг» ва «Аллох, айтганларимни эшитиб, эшитгани каби бошқаларга етказганларни юзини ёруғ (оқ) қилсин» ва бошқа шу каби ҳадислардаги ташвиқ орқали ислом олимлари учун 40 ҳадис мавзуси билан шуғулланишни ҳам вазифа қилиб қўйди (Абу Тоҳир Силафий, 1992:25). Бу соҳа шундай ривож топдики, фақат муҳаддислар ва фақиҳлар эмас, балки бошқа соҳа кишилари ҳам 40 ҳадис тўплашга киришиб кетди. Ҳатто араб, форс ва туркий тилларда ҳам жуда кўплаб насрий асарлар қатори назмий ва назмий-насрий асарлар таълиф этилди. Ҳозирги кунда бу борада бошқа жуда кўп тилларда ҳам асарлар ёзилган.

40 ҳадиснинг жамланиши ва тасниф қилинишининг бошқа омиллари борасида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бунда кўпроқ инсон руҳиятига доир бир қанча сабаблар мавжуд. Жумладан, Кўпгина 40 ҳадис тўпламларининг муқаддимасида Пайғамбар (с.а.в.)нинг шафоатларига эришиш иштиёқи орқали дўзах азобидан қутулиш масаласи олдинги ўринларда туради. Яна хайрли дуо олиш ва раҳматга сазовор бўлиш, ҳатто барча тилларда ёзилган арбаинларда хайрли дуо олиш ва раҳмат билан ёдга олиниш ниятлари ҳам китоб ёзишга туртки бўлгани кўринади. Бундан ташқари қийинчиликларни унутиш, дин буйруқларига бўйсунуш ва мусулмонларга хизмат қилиш ҳам муаллифни шу ишга ундаган (Абу Тоҳир Силафий, 1992:30). Шунингдек, дўст ёки талабаларнинг илтимосини қондириш, ёдлашга осон бўлиши учун ҳам тўпланган ҳамда бошқа сабаблар билан 40 ҳадис жамлаш ишлари олиб борилган.

40 ҳадис китобларни тасниф қилиш ишлари ҳадис илмига хос тарзда амалга оширилганини кўриш мумкин. Бу турдаги китобларни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин: шакл жиҳатдан ёзилган ва мазмун жиҳатдан таълиф этилганлар.

Шакл жиҳатдан ёзилганларга насрий, назм-насрий аралаш, назмийларга бўлиш мумкин. Шакл жиҳатдан араб, эрон ва турк адабиётларида арбаинлар, насрий-назмий ёки назмий услубда ёзилган. Масалан: араб тилида имом Нававий ва Муҳаммад ибн Ҳусайн Абу Бакрнинг (ваф. 971 й.) 40 ҳадисларни келтириб ўтиши мумкин.

Наср-назм аралаш бўлганлари асарлар араб тилида ёзилганлари орасида унчалик кенг

тарқалмаган. Ҳатто бу тилдаги арбаин ҳадисларнинг назмда ёзилганлари ҳам кўп учрамайди. Форс тилида ёзилганлиги олим ва суфийларнинг ёки адиб ва шоирларнинг бу турга катта аҳамият берганлари билан изоҳланади. Аҳмад Румий (ваф. 1317 й.)нинг 40 ҳадиси, назм-насрда аралаш ёзилганларга мисол бўла олади. Турк тилида Али ибн Ҳожи Мустафо (XVI аср), Ўкжузода (1563-1629)ларнинг асарларини келтириш ўринли (Абу Тоҳир Силафий, 1992:35).

Назмда ёзилган 40 ҳадис асарлар борасида айтиб ўтадиган бўлсак, араб тилида кам учрайди. Аммо форс ва туркий тилларда бунинг анча кенг тарқалганини кўриш мумкин. Форсчада Абдурахмон Жомийни (1414-1492) келтириш мумкин, у фазилатли амалларга бағишланган. Туркийда эса, Алишер Навоий (ваф. 1501 й.) 40 ҳадис ёзган. Алишер Навоий асарини устози Жомийдан изн олиб, умумий ҳажми 108 байтдан иборат, асосан, одоб-ахлоққа оид ҳадисларни жамлаб таълиф этади.

Ўзбек олимлари томонидан Алишер Навоийнинг «Арбаин»и кўп ўрганилгани алоҳида диққатга сазовор. Жумладан, С.Ғаниева (Ҳофиз Абу Тоҳир Силафий, 1992), К.Ҳасанов ва С.Ҳасанов (Нававий, 2005) каби олимлар Алишер Навоийнинг «Арбаин»и нашрини изоҳлар билан амалга оширганлар. Шу билан бирга тадқиқотчи олима М.Пўлатова ўзининг «Шарқ мумтоз адабиётида «Арбаин» ёзиш анъаналари» тадқиқот ишида арбаин жанрига асосан адабиёт нуқтаи назардан ёндашган ва кўплаб маълумотлар бериб ўтган ҳамда Жомий, Фузулий ва Навоийнинг асарларига тўхталиб ўтган. Шунингдек, тадқиқот жараёнида арбаин асарларни тематик бўлиб чиқиши ҳам диққатга сазовор (Abdülkadir Karahan, 1991).

Бинобарин юртмизда арбаинларни ўрганиш ишлари бу билан тўхтаб қолмади. Масалан, Ҳасанхон ва Ҳусайнхон Абдумажидлар Алишер Навоийнинг «Арбаин» асарини нашр этганлар. Бу асар нафақат ҳадис ва уни шеърӣ кўриниши, балки кириш қисмида талай маълумотларни беришлари ҳам диққатга сазовор. Бундан ташқари бир қатор олимлар ва таржимонлар 40 ҳадисга оид китобларини нашр қилганлар.

## НАТИЖА

Арбаин китобларнинг шакли, тури ва мазмуни ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Китобида фақат ҳадис матнларини жамлаган асарлар қаторига Имом Нававий ва бошқаларнинг

Арбаини шундай ёзилган. Қисқа изоҳлар ёки таржима ва изоҳлар билан Садриддин Конавий (ваф. 1273 й.) ва Али Қорий (ваф. 1605 й.)нинг Арбаинларини бунга мисол келтириш мумкин. Форс ва туркий тилларида эса ҳар бир ҳадиснинг таржимаси келтирилиб, кўп ҳолларда айрим фойдали шарҳлар ҳам берилишини зикр қилиш лозим. Оят ва ҳадислар ёки мавъиза ва ҳикоялар билан қувватлаганлар. Баъзан ҳадисларни бирор оят билан қувватлаб ёки бошқа бир ҳадис билан далилланган 40 ҳадислар ҳам учрайди. Масалан, Ҳусайн Воиз Кошифий ва Ходинийларнинг 40 ҳадис тўпламлари шу гуруҳга мансуб.

Арбаин тўпламларни бир неча турларга кўра ўрганиш мумкин. Қудсий ҳадислар, бу бўйича Муҳийиддин Ибн Арабий (ваф. 1241 й.), Ибн Дақик Ийд (ваф. 1303 й.) ва Али Қорий (ваф. 1603 й.)лар китоб ёзганлар.

Пайғамбар (с.а.в.) 40 хутбаларини Ибн Вадъон (ваф. 1101 й.) ва бошқалар бир ерга тўплаганлар.

Бошқа кўплаб олимлар санадлари саҳиҳ ҳадислардан танлаганлар. Бундай мусаннифлардан айримлари танлаган саҳиҳ ҳадисларининг аксарияти имом Бухорий ва Муслимдан олинганини изоҳлайдилар. Имом Нававийнинг тўплами бунга мисол бўла олади. Ҳатто Имом Нававий ўзининг «Арбаин» асари муқаддимасида асарни ёзиш мақсадини шундай келтириб ўтади: «Айнан, арбаин ёзиш анъанасининг вужудга келишида пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг «Ким умматимга дин ишларига оид қирқ ҳадисни ўргатса, Аллоҳ таоло уни қиёмат куни фақиҳлар ва олимлар гуруҳига киритади», деган заиф ҳадис асос бўлган, деб таъкидлайди. Шу билан бирга олим «Қирқ ҳадис» ёзган олимларнинг баъзилари ақоидга оид, диннинг турли масалалари – зуҳд, одоб, насиҳат ва бошқа мавзудаги ҳадисларни тўплашган. Уларнинг барчаси жуда гўзал ёзилган. Аллоҳ улардан рози бўлсин. Мен эса, бу мавзуларнинг ҳаммасидан ҳам муҳимроқ бўлган бир мавзуда қирқ ҳадис тўплашни маъқул кўрдим. Яъни, бу китоб ана шу мавзуларнинг барчасини ўз ичига жамлаши лозим. Ундаги ҳадисларнинг барчаси диннинг энг буюк асосларидан, олимлар исломнинг тамали деб қабул қилган ёки исломнинг ярми ёки учдан бири, деб эътироф этилган масалаларни таърифлайдиган масалалардир. Танланган 40 ҳадиснинг барчаси саҳиҳ бўлишига эътибор бердим. Бу ҳадисларнинг аксарияти Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг саҳиҳларида мавжуд...» (Саховий, 1998:4) деб ёзади. Шунингдек, Имом Термизий, Насоий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Доримий, Абу Довуд, Дорикутний, Ибн

Можа, Байҳақий каби олимлардан ҳам ривоятлар келтирилган.

Иснодлари турли ёки 7 ва 10 билан алоқадор ёки иснодсиз ҳадислардан танланганлар. Турли иснодли арбаинларга мисол қилиб Тақиюддин Фосий (ваф. 1429 й.) ва Ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. 1448 й.)ларнинг рисоаларини, субаият (Аҳмад ибн Муҳаммад Сардор, 1995) учун Абул Маолий Абдулмунъим (ваф. 1103 й.) ва ушарият (Абдулваҳҳоб Зиёд, 2011) учун эса Абдулфазл Абдурраҳим (ваф. 1404 й.)ларнинг, санадсиз арбаинга мисол қилиб Валийуддин Ироқий (ваф. 1423 й.)ларнинг тўпламларини кўрсатиш мумкин.

Иснод эътиборидан жамланган арбаинлар ҳам ёзилган. Масалан, «Шофейининг Моликдан, у Нофеддан, у Ибн Умардан ривоят қилган 40 ҳадис», «Солиҳ ишларга оид 40 мусалсал ҳадис», «Муҳаммад исмлилардан ривоят қилинган 40 ҳадис» кабилар.

40 рақамига таяниб тартибланган арбаинлар (40 саҳобадан, 40 шайхдан, 40 шаҳардан, 40 китобдан, 40 бобдан, бир хил исми 40 кишидан иборат) таълиф этилган. Шунингдек, ўзига хос тарзда арбаинларни 40 бобга бўлиб ёки бир исми 40 кишидан нақл қилинган ҳадисларни тасниф қилганларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, Муҳаммад ибн Муҳаммад Тоний (ваф. 1160 й.)нинг ҳар ҳадиси бир саҳоба ва бир шайхдан нақл қилинган. Ибн Бобуя (ваф. 1184 й.)нинг ҳадислари «40 китоб, 40 шайх ва 40 саҳобадан» олинган. 40 китобдан тўпланганлар учун Исмоил ибн Муҳаммад Димашқий (ваф. 1749 й.)ни келтириш мумкин.

Муҳаммад Али ибн Носир Жашаний (ваф. 1168 й.) Муҳаммад исми ровийлардан ва шундай исми кишилардан нақл қилинган тарзда рисола ёзган. Шунингдек, тартибларида 40 га доир «40 шаҳардан тўпланган» ибораси жуда кўп учрайди. Ибн Асоқир (ваф. 1167 й.), Абу Тоҳир Аҳмад Силафий (ваф. 1180 й.), Шарафиддин Ваний (ваф. 1348 й.) ва Шамсиддин Хуросоний (ваф. 1470 й.)ларнинг тўпламлари шу турга мансубдир (Абу Тоҳир Силафий, 1992:45).

Шу билан бирга олимлар ёд олиш осон бўлиши учун қисқа ҳадисларни ҳам жамлаган бўлиб, улардан Жомий ва Муҳаммад Антокийнинг ишларини келтириш мумкин. Шунингдек, тўплаган ва танлаган ҳадисларнинг аниқ-лўнда, тушунишга осон ва кенг маъноли Пайғамбар (с.а.в.) сўзларидан бўлганига алоҳида эътибор қаратиб қайд этган мусаннифларни ҳам учратиш мумкин.

Фасих ва саҳих ҳадислардан танлаган муаллифларнинг катта қисми, ўз рисолалари асл нусха бўлишини хоҳлаганлар. Масалан, Камол Пошозода «лафзида фасоҳати зоҳир ва маъносида сиҳҳати иснодига далолат қиладиган 40 ҳадис» деб жамланган шарҳини келтириш мумкин.

Нуктасиз ҳарфлардан танланган ноёб тўплам Мустақиймзода Сулаймон Сададиннинг 1761 йилда ёзган асари бунга мисол бўла олади.

Муҳаддислар мавзунинг моҳиятига қараб ҳам арбаин ёзганлар. Аввало бир мавзу атрофида тўпланган 40 ҳадислардан бошлаш мақсадга мувофиқ. Буни қуйидагича тартибда кўриш мумкин: Куръони карим фазилатларига оид Юсуф ибн Абдуллоҳ Армиюний (ваф. 1551 й.)нинг рисолалари битта сура (Ихлос сураси) ва битта оят (оят ал-Курсий)га бағишланган.

Исломининг беш шarti: калимаи шаҳодат, рўза, намоз, закот, ҳаж ёки аҳқом ҳадислар жамланган арбаинларга оидларидан, рўза ҳақида Абдуллоҳ ибн Сувайдон Мисрий (ваф. 1392 й.), ҳаж хусусида Муҳибуддин Табарий (ваф. 1392 й.)нинг, закот ҳақида Муҳаммад ибн Абдуссалом (ваф. 1885 й.) ва бошқаларнинг китоблари мисол бўла олади. Муҳаммад ибн Аслам Тусийнинг (ваф. 857 й.) асаридаги ҳадислар асосан ҳукмий ҳадисларга бағишланган.

Пайғамбар (с.а.в.) ва оилалари, саҳобалари ҳамда уларнинг фазилатларини ўз ичига олган 40 ҳадислар ҳам мавжуд. Пайғамбар (с.а.в.)нинг оила ва саҳобаларига алоқадор арбаинларнинг кўп қисми Имом Али ҳақида бўлиб, шиаларнинг имомийлик мазҳабида ёзилган. Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Хўжандий эса Чаҳориёрлар ҳақидаги ҳадисларни тўплаган. Шунингдек, доктор Абдуллоҳ ибн Солиҳ «ал-Арбаин фи фазоил ас-саҳоба» асарини ёзган.

Тасаввуф ва тариқат ҳақида ҳам Аҳмад ибн Муҳаммад Молиний (ваф. 1022 й.) «ал-Арбаин фи шуоҳ ас-суфийя», Абу Нуайм Исфаҳонийнинг (ваф. 1039 й.) «ал-Арбаин ала мазҳаб ал-мутаҳаққиқин мин ас-суфийя» ва Абу Саид ибн Муҳаммад, Муҳийиддин ибн Арабий (ваф. 1241 й.), Садриддин Қунавий (ваф. 1273 й.), Аҳмад Румийларнинг рисолаларини келтириш мумкин. Ҳофиз Саховий (ваф. 1497 й.) эса, Суламийнинг тасаввуфга оид арбаин китобини таҳриж қилган (Рошид ибн Омир. 2001:68).

Шунингдек, дунёвий масалалар туркуми, илм, олимлар, сиёсат ва ҳуқуқ, жиҳод, ижтимоий ва ахлоқий ҳаёт, бир қавм, бир минтақа ёки шаҳарнинг фазилатларига доир, тиббиёт, ҳазил ва мутойиба, хусни хат каби мавзуларда ҳам рисолалар ёзилган.

Бир арбаинда турли мавзулар ўрин олган бўлиб, уларнинг энг машҳури муҳаддис, буюк шофеей фақиҳи, Имом Нававийнинг рисоласи саналади. Бу асардаги ҳадислар ислом шариатининг асослари ва ҳукмий қоидаларни ўзида мужассам этгани билан бошқа арбаинлардан ажраб туради. Бир жумла билан айтганда, арбаинлар орасидаги энг машҳур ва кўплаб шарҳлар ёзилгани ҳам шу тўплам ҳисобланади. Рошид ибн Омир ўзининг «Итҳоф ал-аном» асарида Имом Нававийнинг «ал-Арбаин» асарига араб тилида ёзилган 122 та шарҳ ҳақида маълумот бериб ўтган (Ибн Дақиқ Ийд, 1984:116). Мазкур шарҳлар орасида ҳозиргача етиб келмагани ва етиб келгани, муаллифи маълум ва маълум бўлмагани, нашр қилинган ва қилинмагани, катта ҳажмга эга бўлгани ва қисқа шарҳлар мавжуд.

Айниқса, Имом Нававийнинг ўзи ҳам шарҳ ёзган. Шунингдек, Ибн Дақиқ Ийд, Заркаший, Ибн Ражаб, Абу Зуръа Ироқий, Ибн Ҳажар Асқалоний, Ибн Ҳажар Ҳайтамий, Али Қорий ва бошқаларни келтириш мумкин.

Арбаинлар орасида Имом Нававийнинг «Арбаин»и энг кўп тилларга таржима қилингани билан ҳам ажралиб туради. У рус, турк, инглиз, урду, француз, форс ва бошқа тилларга ўгирилган.

Арбаин китоби турларининг ўзига хосликларидан яна бири муаллиф ўзининг 40 нафар шайхидан ҳадис келтиришидир. Масалан, замонавий олимлардан Муҳаммад Ёсин Маккий ўзининг «ал-Арбаина ҳадисан мин арбаина китабан ан анбаина шайхан» асарида ўзи ижозат олган китоблардан ҳадисларни жамлаган (Ибн Ҳажар Асқалоний, 1995). Унда ҳадис иснодларини тўлиқ келтиргани билан бошқа асарлардан ажраб туради. Аввал сиҳоҳи ситта асари муаллифларидан кейин эса, бошқа муҳаддисларнинг китобларидан келтиради. Улар орасида Абдулҳамид Кеший, Имом Доримий каби олимларнинг асарларидан ҳам келтирган. Бунга ўхшаган китоблар бошқа олимлар томонидан ҳам ёзилган. Жумладан, Аҳмад Кархий Бағдодий (ваф. 1168 й.) «Китоб фик арбаин ҳадисан ан арбаин шайхан фи арбаин маъно ва фазлиҳ» (Муҳаммад Али Маккий Шофеей, 2006), Аҳмад ибн Муҳаммад Сардор «Арбаин ҳадисан Набавийян би-асонидиҳо мин арбаин китобан» (Муҳаммад Ёсин Маккий, 1987), Ҳофиз Абу Тохир Силафий 40 шаҳар ровийларидан ривоят қилган «Китоб ал-арбаин ал-булдонийя» (Мулла Олимжон Бурудий, 1915), Ҳофиз Абдулҳолиқ ибн Зоҳир (ваф. 1155 й.) «Арбаин ҳадисан ан арбаин шайхан ан арбаин саҳобийян» ва бошқалар ўз асарларини ёзганлар.

Баъзи олимлар ҳадисдаги хусусиятга эга ҳадисларни жамлаганлар. Улардан Солих Садлон (ваф. 2017 й.) ўзида беш хислатни ўзида мажассам этган 40 ҳадисни жамлаган ва уни «Арбаин ҳадисан кулл ҳадис фи хамс хисол» ва икки хислатни ўзида жамлаган «Арбаин ҳадисан кулл ҳадис фи хислатайн» асарини ёзган.

Ҳатто замонавий олимлардан Абу Молик Риёший қон тўкиш, терроризмга қарши бўлган ҳадисларни жамлаган ва уни «ал-Арбаин фи замм ал-ирҳоб ва таҳрим ал-удван ва сафк ад-димо маъсумин», деб номлаган.

Шунингдек, турли соҳаларда ва турли масалаларга оид арбаинлар ҳам ёзилган. Ақида масаласига оид бўлган бундай асарлардан Имом Заҳабийнинг «ал-Арбаин фи сифат Рабб ал-оламин» (Муҳаммад Ёсин Маккий, 1987) китобини, қудсий ҳадислар жамланган Али Қорийнинг «ал-Аҳодис ал-қудсийя ал-арбаиния» (Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Сари), ушбу олимнинг жавоми ал-калимга бағишланган «Арбаин ҳадисан мин жавоми ал-калим» (Муҳаммад Каттоний, 2011) асарларини келтириш мумкин.

Шунингдек, арбаин туридаги китобларни даврларга бўлиб ўрганиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Энг биринчи арбаин китоб Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазийга оид бўлганининг эътиборидан, унинг 12 асрлик тарихи мавжуд. Чунончи, Абдулқодир Қораҳоннинг таърифича «бизнинг тадқиқотимизга кўра XVI асрда ёзилган арбаин ҳадислар жами 25 шарҳ ва тўпловчи жами 34 га етган» (Абу Тоҳир Силафий, 1992:55), деган.

Арбаинлар орасида бирор муҳаддиснинг муайян асарига ёзилганлари ҳам учрайди. Татар олимларидан Мулла Олимжон Бурудийнинг «ал-Китоб ас-соний мин ал-арбаинот ал-мутасалсила» асарида уч олим Имом Бухорий, Имом Муслим ва Имом Моликнинг асарларидан танлаб олиб арбаинлар ёзган (Пўлатова М, 2021) ва ҳар бир ҳадисни таржимаси билан берган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, арбаин китобларини ўрганган олимлар фақат ҳадис матни ва улардан чиқадиган хулосаларга эмас, балки ўша ҳадисни ривоят қилган ровийларни ҳам ўрганишга ҳаракат қилганлар. Зеро бу ҳолат, яъни ҳадис ровийларини ўрганиш кўпроқ катта китобларда учрайди. Чунончи аллома Муҳаммад Али ибн Аллон Маккий Шофейй (ваф 1647 й.) «ал-Муин ала маърифат ар-рижол ал-мазкурин фи китоб ал-арбаин ли-н-Нававий» асарида

Имом Нававийнинг «Арбаин» асаридаги ҳадисни ривоят қилган саҳобалар билан бирга муҳаддислар ҳақидаги қисқароқ маълумотларни ҳам бериб ўтган (Ибн Ражаб, нашр йили кўрсатилмаган). Бироқ китобда саҳоба ва муҳаддислар аралаш берилган.

Чунончи, арбаинлар орасида араб бўлмаганлар учун ёзилган асарларни ҳам учратиш мумкин. Улар араб ва ўша муаллифнинг тилида таржимаси билан ёзилганини кўриш мумкин. Масалан, Алишер Навоий, Жомий, Фузулий кабиларнинг арабаини шуларга мисол бўлади.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, арбаин ҳадис китоби тури ҳадис китоблари орасида энг кўп ёзилган ва тарқалган асарлардан ҳисобланади. Уларни муҳаддислар билан бир қаторда бошқа фақиҳ, мутасаввиф, мутакаллим, муафассир, тарихчи олимлар ҳам жамлаганлар. Ҳатто бундай асарлар орасида назмда ёзилганларидан шоирлар ҳам бу борада қалам тебратганини кўриш мумкин.

40 ҳадисни тўплашни Абдуллоҳ ибн Муборак бошлаб берган бўлса, бошқалар давом эттирдилар. Аввалги муҳаддисларнинг асарларидаги ҳадислар иснодлари билан таълиф этилган бўлса, кейинги давр олимлари иснодларни тушириб қолдирганлар. Шунингдек, бир гуруҳ мусаннифлар ўзлари жамлаган ҳадисларни ёзган бўлсалар, кейингилар муайян китобдаги ҳадислардан танлаб олганлар.

Арбаинларнинг мавзулари ҳам кенг қамровли бўлгани сабабидан, кенг халқ оммаси орасида катта кизиқиш билан ўқилган.

Арбаин борасида айтилган ҳадислар заиф бўлишига қарамай, муҳаддислар унинг фазилатлигидан келиб чиқиб бу ишга қўл урганлар. Мусулмон олимларнинг наздида ҳадисларни тарқатиш ва уларни жамлаш шарафли амаллардан экани замонлар ошса-да ўз аҳамиятини йўқотмаган. Кенг халқ оммасига мўлжалланган рисоалардаги ҳадислар кичик ҳажмда, осон тушунарли, ортиқча изоҳларга эҳтиёж бўлмаганлари жамланишга ҳаракат қилинган.

Арбаинлар ҳадис илмининг турли мавзуларига оид. Жумладан, исломнинг асоси бўлган ҳадисларга, одоб-ахлоққа, тасаввуфга, фикҳга, ақидага, тавҳидга, Қуръон фазилатларига, Расулуллоҳ (с.а.в.) ва саҳобийлар фазилатига, бирор муайян ишнинг фазилатига, бирор шаҳарда ривоят қилинган ҳадисларга бағишланган.

**МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Абу Тоҳир Силафий. (1992). Ал-Арбаин ал-булдониё. Димашк: Дор ал-Байрутий.
2. Али Қорий. (йили кўрсатилмаган). Ал-Аҳодис ал-қудсийя ал-арбаиния. Жидда: Мактаба ас-саҳоба, нашр йили кўрсатилмаган.
3. Али Қорий. (2013). Арбаин ҳадисан мин жавоми ал-калим. Байрут: Дор ал-башоир.
4. Алишер Навоий. (1991). Арбаин / нашрга тайёрловчилар К.Ҳасанов ва С.Ҳасанов. Шарҳловчи А.Рустам. Тошкент: Мерос.
5. Алишер Навоий. (2000). Мукамал асарлар тўплами. Ж. 16. Арбаин / матни нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. Тошкент: Фан.
6. Ҳасанхон Яҳё Абдумажид, Ҳусайнхон Яҳё Абдумажид. (2014). Арбаин (тахрижи, насрий баёни, қисқача изоҳи билан). / Алишер Навоий. «Навойдан чу топқайлар навос». Тошкент: Hilol-Nashr.
7. Аҳмад ибн Муҳаммад Сардор. (1995). Арбаин ҳадисан Набавийан би асанидиҳа мин арбаин китабан. Ҳалаб: Дор ал-қалам.
8. Аҳмад Кархий Бағдодий. (1999). Китоб фиҳ арбаин ҳадисан ан арбаин шайхан фи арбаин маъно ва фазлиҳ. Байрут: Дор Ибн Ҳазм.
9. Ёсир ибн Абдуллоҳ. (2020). Ал-Арбаинот фи-с-суннат ан-Набавийя. Зақозик: Ал-Мажалла ал-илмийя ли куллийят усул ад-дин ва-д-даъва. № 32. Заҳабий. (1993). Ал-Арбаин фи сифат Робб ал-оламин. Ал-Мадина: Мактабат ал-улум ва-л-ҳикам.
10. Абдулвахҳоб Зиёд. (2011) Ал-Арбаинот ал-ҳадисия. Мажалла Жомеъ Димашк лил-улум ал-иктисодия вал қонуния. № 27.
11. Ибн Дақиқ Ийд. (1984). Шарҳ ал-арбаин ҳадис ан-Нававий. Қоҳира: Мактаба ат-турос ал-исломий.
12. Ибн Ражаб. Ал-Арбаина ан-Нававийя ва татаматуҳа. Нашр жойи ва йили кўрсатилмаган.
13. Ибн Ҳажар Асқалоний. (1995). Талхис ал-ҳабир. Макка: Муассаса Қуртуба,
14. Муҳаммад Али Маккий Шофей. (2006) л-Муин ала маърифат ар-рижол ал-мазкурин фи китоб ал-арбаин ли-н-Нававий. Байрут: Дор ал-башоир.
15. Муҳаммад Ёсин Маккий. (1987). Ал-Арбаина ҳадисан мин арбаина китабан ан анбаина шайхан. Байрут: Дор ал-башоир.
16. Мулла Олимжон Бурудий. (1915). ал-Китоб ас-соний мин ал-арбаинот ал-мутасалсила. Казань: Умид, 1915.
17. Муҳаммад Ёсин Маккий. (1987). Ал-Арбаина ҳадисан мин арбаина китабан ан арбаина шайхан. Байрут: Дор ал-башоир ал-исломийя.
18. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Сари. <https://www.alukah.net/sharia/0/105975/>
19. Муҳаммад Каттоний. (2011). Ар-Рисола ал-мустатрафа. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
20. Пўлатова М. (2021). Шарқ мумтоз адабиётида «Арбаин» ёзиш анъаналари. Монография. Тошкент.
21. Рошид ибн Омир. (2001). Итҳоф ал-аном. Ар-Риёз: Дор ас-сомий.
22. Саховий. (1998). Муаллафот ас-Саховий / нашрга тайёрловчи Машхур ибн Ҳасан. Байрут: Дор Ибн Ҳазм.
23. Ҳофиз Абу Тоҳир Силафий. (1992). Китоб ал-арбаин ал-булдониё. Димашк: Дор ал-Байрутий.
24. Имом Муҳиддин Закариё ибн Шараф Нававий. (2005). 40 ҳадис. Тошкент: Movaraunnahr.
25. Abdülkadir Karahan. (1991). İslam-Türk edebiyatında kırk hadis: toplama, tercüme ve şerhleri. Ankara: Diyanet İşleri Başkanlığı Yayınları.

**REFERENCES**

1. Abu Tahir Silafi. (1992). Al-Arbain al-buldaniya. Damscus: Dar al-Bayruti.
2. Ali Qoriy. (year not indicated). Al-Ahadith al-qudsiyya al-arbainiyya. Jiddah: Maktaba as-sahoba, nashr yili ko'rsatilmagan.
3. Ali Qari (2013). Arbaun hadisan min jawami al-kalim. Beirut: Dar al-bashoir.
4. Alisher Navoiy. (1991). Arba'in / published by K.Hasanov va S.Hasanov. commented by A.Rustam. Tashkent: Meros.
5. Alisher Navoiy. (2000). Mukammal asarlar to'plami. J. 16. Arba'in / published by S.G'aniyeva. Tashkent: Fan.
6. Hasanxon Yahyo Abdumajid, Husaynxon Yahyo Abdumajid. (2014). Arba'in / Alisher Navoiy. «Navoiydan chu topqaylar navoye». Tashkent: Hilol-Nashr.
7. Ahmad ibn Muhammad Sardar. (1995).Arbaun hadisan Nabawiyyan bi asanidiha min arbain kitaban. Aleppo: Dar al-qalam.
8. Ahmad Karkhi Baghdadi. (1999). Kitob fih arbaun hadisan an arbain shaykhan fi arbain ma'no va fazlih. Beirut: Dar Ibn Hazm.
9. Yasir ibn Abdulloh. (2020). Al-Arbainot fi-s-sunnat an-Nabawiyya. Zaqaqiq: Al-Majalla al-ilmiyya li kulliyat usul ad-din wa-d-da'va. № 32. Dhahabi. (1993). Al-Arbain fi sifat Rabb al-alam. Al-Madina: Maktabat al-ulum wa-l-hikam.
10. Abdulwahhab Ziyad. (2011) Al-Arbainat al-hadisiya. Majalla Jami' Dimashq lil-ulum al-iqtisodiya val qonuniya. № 27.
11. Ibn Daqiq Iyd. (1984). Sharh al-arbain hadis an-Navaviy. Cairo: Maktaba at-turath al-islami.
12. Ibn Rajab. Al-Arbauna an-Nawawiyya wa tatamatuha. yera nad publication are not indicated.
13. Ibn Hajar Asqalani. (1995). Talxis al-habir. Makka: Muassasa Qurtuba,
14. Muhammad Ali Makki Shafii. (2006) al-Muin ala ma'rifat ar-rijol al-mazkurin fi kitob al-arbain li-n-Navaviy. Beirut: Dar al-bashair.

15. Muhammad Yasin Makki. (1987). Al-Arbauna hadisan min arbaina kitaban an arbaina shaykhan. Beirut: Dor al-bashoir.
16. Mulla Alimjan Burudi. (1915). al-Kitab as-sani min al-arbainat al-mutasalsila. Kazan: Umid, 1915.
17. Muhammad Yasin Makki. (1987). Al-Arbauna hadisan min arbaina kitaban an arbaina shaykhan. Beirut: Dor al-bashoir al-islomiyya.
18. Muhammad ibn Abdullah Sari. <https://www.alukah.net/sharia/0/105975/>
19. Muhammad Kattani. (2011). Ar-Risala al-mustatrafa. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.
20. Po‘latova M. (2021). Sharq mumtoz adabiyotida «Arba’in» yozish an‘analari. Monography. Tashkent.
21. Rashid ibn Amir. (2001). Ithof al-anom. Ar-Riyadh: Dar as-sami.
22. Sakhawi. (1998). Muallafot as-Sakhawi / published by Mashhur ibn Hasan. Beirut: Dar Ibn Hazm.
23. Hafiz Abu Tahir Silafi. (1992). Kitab al-arbain al-buldaniyya. Damascus: Dar al-Bayruti.
24. Imam Muhyiddin Zakariya ibn Sharaf Nawawi. (2005). 40 hadis. Tashkent: Movaraunnahr. Abdülkadir Karahan. (1991). İslam-Türk edebiyatında kırk hadis: toplama, tercüme ve şerhleri. Ankara: Diyanet İşleri Başkanlığı Yayınları..
25. Abdülkadir Karahan. (1991). İslam-Türk edebiyatında kırk hadis: toplama, tercüme ve şerhleri. Ankara: Diyanet İşleri Başkanlığı Yayınları.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ  
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юрглари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари,  
мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,  
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

4/2023

*Бош муҳаррир:* **Ж.Каримов**

*Муҳаррир:* **З.Фахриддинов**

*Нашр учун масъул:* **З.Арслонов**

*Чет тилларидаги матнлар муҳаррири:* **О.Сотволдиев**

*Дизайнер-саҳифаловчи:* **З.Ғуломов**

**Манзилимиз:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

**Тел:** (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** [www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)

**E-mail:** [info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)

Нашриётнинг лицензия рақами АІ № 0011. 06.05.2019 йил.  
Босишга 28.12.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.  
Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.  
Нашр табағи 10,4. Буюртма № 20.  
Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



## IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية

 moturidiyuz

 [www.moturidiy.uz](http://www.moturidiy.uz)

 +99871 244-35-36